

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 16 июль, № 142 (8765) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари, шу жумладан, Малайзия Бош вазирининг жорий йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Парламентлараро, ҳукуматлараро, ишбилармонлик алоқалари сезиларли фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. 29 май куни Путражая шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди. Ўзбекистон — Малайзия ишбилармонлар кенгаши тузилди.

Саноат, «яшил» энергетика, нефтькимё, электротехника ва бошқа тармоқларда етакчи компанияларнинг кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар алмашинув ва зиёрат туризми бўйича қўшма дастурларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 15 июль куни давлат олий таълим муассасаларига қабул жараёнлари, олий таълим тизимида сифатни ошириш ва халқаро ўқув дастурларини татбиқ этишга оид ҳисобот билан танишди.**

Шу кунларда олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонлари бўлиб ўтмоқда. Бу йил унда 805 минг нафар абитуриент иштирок этмоқда.

Мутасаддилар 2024/2025 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига кадрлар тайёрлаш давлат буюртмаси режаси бўйича ахборот берди. Қайд этилганидек, бу йил бакалавриатда ҳам, магистратурада ҳам муҳандислик, қурилиш, табиий фанлар, математика, ахборот технологиялари йўналишларига квоталар сони оширилмоқда. Тўлов-контракт асосида қабул давлат ва нодавлат муассасаларида бир хил шартлар асосида, олийгоҳнинг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари олий таълим муассасаларига умумий давлат буюртмасини тасдиқлаш, бунда мамлакатимиз ривожи ва меҳнат бозори талабларига эътибор қаратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Юртимизда муҳандис кадрларга талаб юқори. 20 июнь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бу соҳадаги олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш вазифаси қўйилган эди.

Масалан, ҳозир Сурхондарёда Термиз муҳандислик-технология институти ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти фаолият юритмоқда. Уларни йириклаштириш орқали Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университетини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Бу самарали бошқарув тизимини жорий этиш, такрорланувчи факультет ва кафедраларни қисқартириш, айрим штат бирликларини мақбуллаштириш имконини беради.

Янги университетда илғор муҳандислик мактаби ташкил этилади. Унга билими юқори талабалар танлов асосида олиниб, амалиётга йўналтирилган махсус таълим дастурлари асосида ўқитилади. Бу мактабнинг йўналишларига мос саноат ҳамкорлари белгиланиб, замонавий лабораториялар ташкил этилади. Уларнинг таклифлари асосида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари йўлга қўйилади.

Университетнинг бошқарув ва ўқитувчилик лавозимларига хорижий тажрибага эга, илмий ва амалий малакаси юқори мутахассисларни жалб этиш, уларнинг иш самарасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш вазифалари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари тармоқ, корхона ва олий таълим муассасаси узвийлигини мустаҳкамлаш, ўз соҳасида илғор, рақобатдош мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил сентябрь ойида АҚШга ташрифи чоғида таълим соҳаси бўйича ҳам келишувларга эришилган эди. Шунга мувофиқ Тошкент шаҳрида Америка технологиялар университети очилиши кутилмоқда.

Унинг фаолияти 2024/2025 ўқув йилидан бошланади. Университетда муҳандислик, архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва молия, халқаро муносабатлар соҳалари учун кадрлар тайёрланади. Битирувчиларга Аризона давлат университети ёки АҚШда тан олинадиган ҳамкор хорижий университетнинг диплом берилади.

Бу борадаги ташкилий чора-тадбирлар ва келгуси мақсадлар белгилаб олинди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА





**Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар**

*Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳар 100 та оилага ўртача 57 та енгил автомобиль тўғри келади. Буни Статистика агентлигининг танланма кузатувлари натижаси ҳам тасдиқлайди. Унда келтирилишича, 2010 йилда 100 та уй хўжалиги тасарруфида 21 та енгил автоулов бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 42 тага, 2020 йилда 49 тага етган.*

*Кўриниб турибдики, юртдошларимизнинг автомобиль билан таъминланганлик даражаси йил сайин ортиб боряпти. Экспертларнинг фикрича, бу фақат аҳолининг даромади кўпайиб, турмуши фаровонлашиб бораётгани, харид қобилияти ошаётгани билангина изоҳланмайди. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни автомобилсозлик саноати ривожланиб, автоишқибозлар қизиқишлари инобатга олинган ҳолда қулай ва замонавий машиналар ишлаб чиқарилаётгани ҳам ана шундай ижобий натижаларга кенг йўл очмоқда.*

*Дарҳақиқат, автомобилсозлик мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур соҳага қаратилаётган эътибор, амалга оширилаётган йирик инвестициявий лойиҳалар туфайли автомобиль саноати технологик тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Натижада юртимиз бу йўналишда жаҳонда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаяпти.*

➔ 3

**Мулоқот**

## Делегациямиз БРИКСнинг X парламент форумида қатнашди

*Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон парламенти делегацияси Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган БРИКСнинг X парламент форуми "Гуманитар ва маданий соҳаларда парламентлараро ҳамкорлик" мавзуидаги ялпи мажлисида иштирок этди.*

Тадбирда илм-фан, таълим, туризм, санъат ва маданият, ёш парламент аъзолари билан ишлаш соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон делегацияси юртимизда таълим, маданият, туризм соҳаларига қаратилаётган эътибор, эришилаётган юксак натижалар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди.

Форум иштирокчилари фан, таълим, маданият ва туризм соҳаларини ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида ўзаро тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилди.

Тадбир якунида X парламент форумининг қўшма декларацияси қабул қилинди.

## Сайлов жараёнлари ва халқаро мониторинг

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги мамлакатимиз парламенти делегацияси Санкт-Петербург шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси (МДҲ ПА) Кенгашининг йиғилишида иштирок этди.*

Йиғилишда Ҳамдўстлик мамлакатларидаги сайлов жараёнларини мониторинг қилишга катта эътибор қаратилди. Хусусан, Россия ва Озарбайжондаги президент сайлови ҳамда Беларусдаги парламент сайлови мониторингида Парламентлараро Ассамблея халқаро кузатувчилари фаолияти кўриб чиқилди.

Иштирокчилар МДҲ ПАнинг сиёсий масалалар ва халқаро ҳамкорлик ҳамда мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссияларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тинглади. Парламент аъзолари миллий делегацияларнинг мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда МДҲ Парламент Ассамблеясида кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом лойиҳасини ҳам маъқуллашди. Шунингдек, қатор бошқа ҳужжатлар тасдиқланди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари МДҲ ПА халқаро кузатувчиларини жорий йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларни кузатишда иштирок этишга таклиф қилди.

**«Халқ сўзи».**

**Эътироф**

## «ЮРТИНГИЗ ИЖТИМОИЙ АДОЛАТГА СОДИҚЛИГИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ЭТДИ»

*Швейцариянинг "Diva International" журнали бош муҳаррири Марит Восс "Дунё" АА учун интервьюсида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Жильбер Унгбонинг Ўзбекистонга ташрифи ҳақида ўз фикрларини билдирди:*



— Юртингиз ижтимоий адолатга содиқлигини яна бир бор намойиш этди. Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Жильбер Унгбонинг мамлакатингизга ташрифи бунга мисолдир.

Ташриф давомида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан самарали ва конструктив учрашув ўтказилди. ХМТ бош директори Ўзбекистоннинг меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш, иш ўринларини яратиш ва халқаро конвенцияларни имплементация қилиш борасидаги ютуқларига юқори баҳо берди.

Бош котиб Жильбер Унгбо Тошкентда бўлиб ўтган "Бандлик ва ижтимоий ҳимояни уйғунлаштириш орқали Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш" мавзуидаги халқаро конференцияда ҳам иштирок этди. Эътиборлиси, ушбу нуфузли конференцияда БМТ, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг юқори мартабали вакиллари қатнашди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ХМТ билан самарали ҳамкорликнинг намунаси ва мамлакатда ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича модель бўлиб хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**
Женева

## ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ 55 ТА ДАВЛАТДА ХАРИДОРЛАРИГА ЭГА

**Факт ва рақамлар**

2024 йилнинг январь — май ойларида Ўзбекистон қиймати қарийб **1,3 млрд. АҚШ долларилик** тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилди.

- **Бу кўрсаткич умумий экспортнинг 11,8 фоизини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 0,5 фоиз ошди.**
- **Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари 37,6, калава ип 46,8 фоизни эгаллади.**
- **2024 йилнинг январь — май ойларида дунёнинг 55 та давлатига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берилди.**



*Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги.*

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
Халқ сўзи
2024 йил 16 июль

Учрашув

# СТРАТЕГИЯ ВА ДАВЛАТ ДАСТУРИ ХУСУСИДА АТРОФЛИЧА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

*Шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирокида “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган турли учрашув ва мулоқотлар ўтказилмоқда.*

Шундай тадбирлардан бири “Ўзмиллийбанк” АЖда ташкил этилди. Унда парламент юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Э. Гадоев ҳамда сенатор Г. Маъруфова қатнашди.

Тадбирда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мазмун-моҳияти ва унда белгиланган долзарб вазифалар ҳамда 2024 йилга мўлжалланган Давлат дастури ижроси ҳолати кўриб чиқилди. Айни чоғда сенаторлар томонидан стратегия ва Давлат дастурининг устувор йўналишлари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Хусусан, стратегияда белгиланган макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодиётга ажратилган кредитлар таркибида муаммоли кредитларни камайтириш орқали банк тизимида молиявий мўътадилликка эришиш, бюджет жараёнларининг шаффофлигини янада ошириш ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини кучайтириш ҳамда гендер тенгликни кафолатлашга оид муҳим вазифалар ижроси бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга тўхталиб ўтилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида ўтказилган тадбирда сенаторлар томонидан Давлат дастуридаги ёш авлоднинг баркамол ўсиши, таълим-тарбия олиши, келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига доир чора-тадбирларнинг аҳоли фаровонлиги, жамиятимиз ривожи ва юртимиз тараққиётидаги аҳамияти юқори эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, кейинги йилларда хотин-қизлар ва гендер тенглик масаласига катта эътибор қаратилаётгани боис эришилаётган натижалар эътироф этилиб, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш, олий таълим ва илм-фанда аёлларнинг улушини кўпайтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикр алмашилди.

Ўрганиш

# ИЗЧИЛ ҲАРАКАТЛАР ТУФАЙЛИ КАМЧИЛИКЛАР ҲАЛ БЎЛДИ

*Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш, дастурлар ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ўрганишлар ўтказмоқда.*

Хусусан, Жиззах вилоятида тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан ўтказилган мулоқотлар чоғида уларнинг фаолиятини ривожлантириши учун тўсиқ бўлаётган омиллар аниқланган эди.

Масалан, “Жиззах” махсус иқтисодий зонасининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланганлик даражасини ошириш учун ҳар бирининг қуввати 40 МВт бўлган икки трансформаторли нимстанция, шунингдек, канализация тармоғи қурилишини охирига етказиш масаласи кўтарилганди.

Сенат томонидан кўрилган амалий ҳаракатлар туфайли масалага ечим топилди.

Ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланганлик ҳолатини яхшилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойиши қабул қилинди.

Унда “Жиззах” МИЗнинг Жиззах шаҳар А-саноат ҳудудида 40 мегаваттлик икки трансформаторли нимстанция, шунингдек, битта оқова сув насос станцияси, 5 км. ташқи босимли ҳамда 2,4 км. ички оқова сув тармоғи қурилиши кўзда тутилган. Айни чоғда бу борада муайян ишлаб олиб борилаётир.

“Жиззах” махсус иқтисодий зонаси ҳудудида сув йиғиш иншооти ҳамда оқова сув тармоқларини қуриш объекти бўйича жорий йил 1 июнь ҳолатига 7 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, ушбу ишлар учун бюджетдан яна 6,2 млрд сўм. ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, мазкур саноат зонасида 110 кВт кучланишли электр узатиш тармоғини ва 2 та қуввати 40 МВт бўлган нимстанция қуриш масаласи бўйича лойиҳа смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олинган ва қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

**«Халқ сўзи».**

Ўзини ўзи банд қилиш:

# МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Юртимизда иқтисодиётнинг муҳим драйверларидан бирига айланиб улгурган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Буни аҳолининг турли қатлами, жумладан, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, кичик корхоналарнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор дастурлар мисолида ҳам кўриш қийин эмас.*

## Мушоҳада

Яна бир муҳим янгилик сифатида Президентимиз томонидан аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш институти, хусусан, фуқаролар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш орқали пенсия учун зарур меҳнат стажини ҳисобга олиш тизими жорий қилинганини келтирса бўлади.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг эллик тўртинчи ялпи мажлисида айни шу масала чуқур таҳлил қилинди ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли парламент сўрови юбориладиган бўлди.

Хўш, мамлакатимизда бу борадаги вазият қандай?

Маълумотга кўра айни пайтда шахсий меҳнатга асосланган ва даромад олишга қаратилган, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган 100 дан зиёд фаолият (ишлар, хизматлар) турлари мавжуд.

2020 — 2023 йиллар давомида 2,5 миллиондан зиёд фуқаро ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинган. Шундан 64 фоизи биргина 2023 йилда рўйхатга олингани эътиборга молик. Жорий йилнинг 6 ойи давомида эса ўзини ўзи банд қилган шахслар яна 1,3 млн. нафарга кўпайди.

Кўриниб турибдики, мазкур тизим аҳоли орасида оммалашиб бораётир. Соҳалар кесимида таҳлил қилсак, 45 фоизи маиший хизмат кўрсатиш, 19 фоизи қишлоқ хўжалиги, 14 фоизи ижтимоий йўналиш, 10 фоизи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, 9 фоизи саноат йўналиши, 3 фоизи ахборот-коммуникация йўналиши ҳиссасига тўғри келади.

Айтиш жоизки, мазкур йўналишда ҳам муайян хато ва камчиликлар йўқ эмас. Ўрганиш ва таҳлиллар ҳамда аҳоли мурожаатлари ҳам шуни кўрсатиб турибди.

*Биринчидан,* йўлга қўйилган тизим мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳақида аҳоли ўртасида етарли тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмаган. Бу эса ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинганлар томонидан ижтимоий солиқ тўлаш даражаси пастлигида намоён бўлмоқда. Масалан, 2020 — 2023 йилларда рўйхатга олинганларнинг фақат 13 фоизи ижтимоий солиқ тўловини амалга оширган холос.

Шу масалани давом эттирган ҳолда 2023 йилда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “аёллар дафтари” ҳамда “ёшлар дафтари”га киритилган 65 мингга яқин фуқароларга ўзини ўзи банд қилиш учун 313 млрд. сўм субсидия ажратилиб, даромад манбаи яратилган бўлишига қарамай, уларнинг 88 фоизи ижтимоий солиқ тўловларини амалга оширмаган.

Қолаверса, етарлича тарғибот ишлари олиб борилмагани сабабли шу йил 1 май ҳолатига кўра аҳоли томорқасида даромад манбаига эга ва иш билан банд бўлган 5,5 млн. томорқа эгаларининг атиги 5,6 фоизи ўзини ўзи банд қилган шахслар сифатида рўйхатдан ўтган.

*Иккинчидан,* ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам миқдорда солиқ тўлангани боис уларга тегишли йил учун меҳнат стажи ҳисобланмаган ва тўланган суммани солиқ тўловчига қайтариш амалиёти йўлга қўйилмаган.

Биргина Тошкент шаҳридаги ҳолат таҳлил қилинганда, 2023 йили ўзини ўзи банд қилган 3 минг 663 фуқаронинг 3 минг 45 нафари ижтимоий солиқ тўламагани аниқланди. Солиқ тўлаганларнинг 70,7 фоизи базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам миқдорда солиқ тўлагани сабабли уларга тегишли йил учун меҳнат стажи ҳисобланмаган. Бу эса фуқароларга ёшга доир пенсиянинг минимал миқдорига эга бўлиши ва пенсия ёшига етганида ижтимоий ҳолати даражаси пасайишига олиб келмоқда.

*Учинчидан,* қонунчиликка мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахслар ижтимоий солиқ тўловларини 1 декабрга қадар амалга ошириши лозим. Амалда мазкур санадан кейин солиқ тўлаган шахсларга тегишли йил учун меҳнат стажи ҳисобланмаган.

*Тўртинчидан,* қонунга мувофиқ аёллар 55 ёшга, эркаклар эса 60 ёшга тўлганида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 7 йил иш стажи бўлган тақдирда, мавжуд стажга мутаносиб миқдорда тайинланиши белгиланган.

Маълумки, 2022 йил 1 ноябрдан меҳнатга лаёқатли аҳолини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш жорий қилинди. Унга кўра солиқ органлари электрон тизимида 55 ёшга тўлган аёллар ҳамда 60 ёшга тўлган эркаклар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўта олмайди. Бу эса ёшга доир пенсия тайинлаш учун зарур меҳнат стажи етарли бўлмаган ҳолларда айнан ўзини ўзи банд қилиш орқали меҳнат стажига эга бўлиш имкониятини чекламоқда.

*Бешинчидан,* тегишли қонунларда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан тўланадиган ижтимоий солиқ миқдорини белгилаш борасида ҳам айрим номувофиқликлар бор. Хусусан, Солиқ кодексининг 408-моддасига мувофиқ меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланиши лозим. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунда эса ушбу миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам бўлмаслиги белгиланган. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ўйлаймизки, ҳукуматга юборилган парламент сўрови ана шу муаммо ва камчиликларни бартараф этишда муҳим ўрин тутади.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ:

# НАТИЖА ВА КЎРСАТКИЧЛАР ҚАНДАЙ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб қўмитанинг 2024 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари кўриб чиқилди.*

## Қонунчилик палатасида

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш каби муҳим йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга устувор аҳамият қаратилди. Хусусан, қўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 6 та қонун лойиҳасига масъул бўлди. Ушбу қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича ўтказилган қатор ишчи гуруҳ ҳамда экспертлар гуруҳи йиғилишларида қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилиб, пишиқ-пухта ҳолатга келтирилди.

Шунингдек, қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш ҳамда қуйи палата қарори ижросини мониторинг қилишга оид 5 та назорат-таҳлил тадбири ўтказилди.

Бундан ташқари, қўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 22 та депутат сўрови юборилган.

Ҳисобот даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунга кўра қўмита номига келган жами 159 та мурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Уларнинг аксарияти ижобий ечим топди.

Иштирокчилар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалаларни атрофлича муҳокама қилди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2024 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” бандларининг бажарилиши юзасидан ахбороти эшитилди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталари Кенгашининг тегишли қўшма қарори ижроси юзасидан Парламент тадқиқотлари институти директорининг маълумоти тингланди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, устувор вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАР АСОСИ

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Қайд этиш керакки, қонун лойиҳаларининг дастлабки тарзда фракцияларда муҳокама қилиниши кўплаб мунозарали саволларга ечим бўлиши баробарида ҳуқуқий ҳужжатларни пишиқ-пухта тайёрлашга имкон беради. Шу боис депутатлар муҳокамадаги ҳар бир масаланинг долзарблиги, аҳамиятига эътибор қаратиб, уларни такомиллаштиришга оид муҳим таклиф ва тавсиялар берди.*





## Фракцияларда

### Инвесторлар учун қулай шароит ва имкониятлар

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб давлатимиз раҳбарининг 11-12 июль кунлари бўлиб ўтган Фарғона вилоятига ташрифининг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтилди.

Ташриф доирасида Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда вилоятни саноат ҳудудига айлантириш, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, санъат, маданият соҳаларини янада ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди. Фракция аъзолари давлат раҳбари томонидан илгари сурилган истиқболли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда янада фаоллик кўрсатиш мақсадга мувофиқлигини қайд этиб, бу бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олди.

Йиғилишда, шунингдек, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан бири — махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолият юритиш истагини билдирган инвесторларга қўшимча қулайликларни яратиш, уларнинг махсус иқтисодий зоналар дирекциялари ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорлик жараёнларини автоматлаштирилиши саналади.

Қонун лойиҳасига мувофиқ махсус иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашлари тугатилиб, уларнинг вазифалари махсус иқтисодий зоналар дирекцияларига ҳамда ягона дирекцияларга юклатилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Муҳокамада фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, депутат Ботир Мардаев лойиҳанинг заруратига тўхталиб, мазкур ҳужжат махсус иқтисодий зоналарнинг бўш турган ерларидан самарали фойдаланишга хизмат қилишини таъкидлади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси махсус иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шароитларни яхшилаш, шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эгалиги инобатга олинган ҳолда фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

### Оилавий зўравонлик — жамият иллати

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Оилавий (маиший) зўравонликлардан ҳимоялаш чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маълум қилинганидек, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $59^{2}$-моддаси ва Жиноят кодексининг $126^{1}$-моддасини болага нисбатан оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик билан тўлдириш ҳамда оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги аризани суриштирув ва дастлабки терговда босқичларида эмас, суд муҳокамаси пайтида бериш тартиби жорий қилинмоқда. Яъни оилавий (маиший) зўравонлик бўйича жиноят ишлари юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза фақат ишни судда кўриш жараёнида, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкинлиги белгиланяпти.

Фракция аъзоларининг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда ҳаётий зарурат бўлиб, унинг қабул қилиниши оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноят ишларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқилишига хизмат қилади. Шунингдек, болалар ва хотин-қизларнинг тазйиқ ва зўравонликка учрашининг олдини олиш, бу борадаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни, қолаверса, хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

### Синовдан ўтмаган усулларда ташхис қўйиш ва даволаш тақиқланади

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида халқ табобатига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунга кўра соғлиқни сақлаш амалиётида фақат қонунчиликда белгиланган тартибда қўллашга рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш ва даволаш усулларидан, тиббиёт технологиялари ва дори воситаларидан фойдаланилади.

Бироқ амалиётда айрим шахслар моддий қимматликлар олиш ёки мулкий манфаатдор бўлиш эвазига рухсат этилмаган усулларни, шу жумладан, халқ табобатига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини кўрсатиб, инсонларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдирмоқда. Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда рухсат этилмаган усулларни қўллаган ҳолда ташхис қўйиш ва даволаш хизматлари кўрсатилганлиги учун жавобгарлик чоралари назарда тутилмаганлиги сохта табибларнинг ноқонуний фаолиятидан жабрланаётган фуқаролар сони ортишига сабаб бўлмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва “Реклама тўғрисида”ги Қонунга қўшимча ва ўзгартириш киритиш назарда тутиляпти. Хусусан, моддий қимматликлар олиш ёки мулкий манфаатдор бўлиш эвазига рухсат этилмаган усулларни, шу жумладан, халқ табобатига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаган ҳолда касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши таклиф этилмоқда. Айни чоғда рухсат этилмаган ҳамда халқ табобатига алоқадор бўлмаган усулларни қўллаш орқали касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш хизматларини реклама қилиш тақиқланиши назарда тутиляпти.

Фракция аъзоси Музаффара Абдиеванинг таъкидлашича, замонавий тиббиёт илмий асосланган ва клиник амалиётда ўз тасдиғини топган натижаларга, халқ табобати эса узоқ йиллик кузатув, синов ва тажриба натижаларига таянади. Амалиётда баъзан учраб турганидек, на шифокорларга, на табибларга маълум бўлмаган ноодатий усуллар орқали касалликка ташхис қўйиш ёки даволаш хизматларидан фойдаланган ҳамюртларимиз алданиб, ўз касалликларининг даражасини янада оғирлаштириб қўймоқда. Ўйлайманки, ушбу қонун лойиҳаси соғлиқни сақлаш соҳасини ноқонуний фаолият юритаётган шахслар, фирибгарлардан “тозалаш” га хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан партия позицияси шакллантирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

### Омбудсман фаолиятида нима ўзгаришлар кутилмоқда?

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Омбудсман ўз олдида турган вазифаларини монеликсиз ва самарали амалга ошириши учун қўшимча кафолатлар ҳамда унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ишончли ҳимоя қилиш чоралари белгиланяпти.

Шунингдек, Омбудсманнинг фаолияти тўғрисидаги маъруза Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида ҳар йили эшитилиши назарда тутилмоқда. Давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига тизимли равишда ахборот тақдим этиш тартиби мустаҳкамланмоқда.

Бундан ташқари, Омбудсман томонидан ҳар йили 15 мартга қадар Олий Мажлис палаталарига қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маъруза тақдим этиш кўзда тутиляпти. Омбудсманнинг қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида қуйи палатага киритиш ҳуқуқи белгиланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилар экан, унинг муҳимлигини таъкидлаб, киритилаётган янги нормалар Омбудсман фаолиятини янада такомиллаштиришга, унинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси, халқаро ҳамкорликни амалга оширишдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилишини алоҳида қайд этди. Таклиф ва мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

### Электрон онлайн-аукцион орқали қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага олиш мумкин

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари томонидан “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага бериш белгиланмоқда. Шунингдек, ижарачиларга ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга, яъни қайта ижарага беришга рухсат этиш назарда тутиляпти.

Бундан ташқари, лойиҳада ижарага олинган ер участкалари ердан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказишга, яъни ижарачилар ерларга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини сотиш орқали қишлоқ хўжалиги ерларини бозор активига айлантириш нормалари белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Равшан Бегматов белгиланаётган нормалар партия мақсадлари ва электорати манфаатларига мос эканини таъкидлаб, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга беришда турли баҳсли мезонларга таянган очиқ электрон танлов ўрнига шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган электрон онлайн-аукцион савдолари жорий этилишига хизмат қилишини қайд этди.

Муҳокама давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, қўллаб-қувватланди.

**«Халқ сўзи».**

**Ўзбекистоннинг туман ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари Германиянинг илғор тажрибаси билан яқиндан танишди.**

# ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА



◄1

## Минтақада ягона

Автомобилсозлик ўзида фан ва техника тараққиётини мужассам этган саноатнинг етакчи тармоқларидан бири саналади. Уни ўзлаштириш катта куч ва ресурс, техник ва илмий салоҳият талаб этадики, шу боис ҳамма жойда ҳам бунга жаҳд қилинаверилмайди. Айни пайтда дунё мамлакатларидан 49 тасида автомобиль ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги фикримиз тасдиғи. Ўзбекистон 1998 йилда Халқаро автотранспорт ишлаб чиқарувчилар ташкилотига аъзо бўлиб, кейинги пайтда унинг автотранспорт воситалари ишлаб чиқарувчи давлатлар ўртасида нуфузи янада ошди.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, ўзбек автомобиль саноатининг ютуғи шундаки, мамлакатимизда бу соҳанинг барча йўналиши бирдек ривожланяпти.

Чиндан ҳам, Ўзбекистон Марказий Осиёда йўловчи ва тижорат транспорт воситаларининг тўлиқ ассортиментини ишлаб чиқарувчи ягона мамлакат ҳисобланади. Дастлаб Андижон вилояти замонавий енгил автомашиналари билан довруқ қозонган бўлса, кейинчалик Самарқанд вилояти юк автомобиллари ва автобуслари билан шуҳрат топди. Эндиликда республикамизнинг яна бир ҳудуди автомобиль саноати марказига айланди.

Гап шундаки, Жиззах вилоятида енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилди. Бу ерда жаҳон бозорида харидоргир бўлган “Kia”, “Chery”, “Haval” каби янги брендлар, шунингдек, экологик тоза транспорт воситаси — “BYD” гибрид ва электромобиллари йиғиляпти. Бу ўзбек автомобилсозлигида янги саҳифа очилганидан далолат бераётир.

Автомобилсозлик саноатнинг шундай салмоқли йўналишики, бу ерда битта иш ўрни яратилиши металлургия, нефть-газ ва кимё саноати, электротехника ҳамда бошқа турдош соҳаларда 7-8 та иш ўрни очилишига туртки бўлади. Ана шу мультипликатив эффект ҳисобга олинган ҳолда, тармоқ корхоналари ва турдош соҳаларда 200 мингдан зиёд кишилар ишлаётгани ҳисоб-китоб қилинган. Биргина эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган маҳаллий корхоналар сони 300 дан ошиб кетгани (шундан 280 таси хусусий корхона) туфайли минглаб янги иш жойлари очилди.

## Мамлакатимиз бежиз танланмади

Ҳозирги пайтда жаҳон автобозорида тенденциялар ўзгариб, янги энергия манбалари асосида ишлайдиган автомобилларга қизиқиш кучаймоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки табиий ресурсларнинг камайиб бораётгани, ёнилғи тақчиллиги ва экологик муаммолар тежамкор ҳамда экологик тоза транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжни оширяпти. Мана исботи: 2022 йилда дунёда сотилган ҳар ўнинчи енгил автомобиль электромобиль ҳиссасига тўғри келди. Бошқача айтганда, автоишқибозларга 10,7 миллионта электр автомобили етказиб берилган. 2023 йилда эса 14,2 миллионта шундай қулай улов сотилиб, аввалги йилдагига нисбатан 33 фоиз ўсишга эришилди.

Халқаро таҳлилчиларнинг прогнозларига кўра янги авлод транспортлари савдосининг ўсиш суръати 2024 йилда ҳам сақланиб қолади. Бу эса дунё автомобилсозларини инновацион ечимлар излаш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни қўллашни тақозо қилаётир. Ана шундай пайтда Ўзбекистонда “яшил” энергияда ишловчи, замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани тарихий воқелик бўлди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу йирик лойиҳа электромобиллар ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонда етакчи бўлган “BYD” компанияси билан ҳамкорликда рўёбга чиқарилди. Табиий савол туғилади: нега ишончли ҳамкор сифатида айнан Ўзбекистон танланди?

“BYD” компанияси вице-президенти Стелла Ли ушбу саволга жавобан учта муҳим омилни санаб ўтди.

*Биринчиси*, соҳа ривожига бевосита давлат раҳбари эътибор қаратаётгани. Яъни бутун дунёдан инвесторларни жалб қилаётган, мамлакатни жаҳонга очаётган ва Ўзбекистонни кейинги ривожланиш босқичига тайёрлаётган оқил Президент бор. Бу — Ўзбекистон танланишининг энг асосий сабаби.

*Иккинчиси*, Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой мамлакат. Давлат раҳбари табиий ресурслардан, жумладан, қуёш, шамол энергиясидан фойдаланишга босқичма-босқич ўтишга чақириб, мамлакатни тоза, “яшил” давлатлардан бирига айлантиряпти.

*Учинчиси*, мамлакатнинг юқори техник салоҳияти ва меҳнаткаш аҳолиси.

— Очиғини айтсам, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатларидан ҳайратдаман, — дейди Стелла Ли хоним сўзининг якунида. — Бизнинг вазифамиз шунчаки ишлаб чиқариш эмас, билим ва тажриба улашишдир. Шу мақсадда юртингизга янги авлод технологияларини олиб келдик. Келгусида университетлар очиб, корхона учун малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Хитойлик мутахассисларни юртимизга келишга ундаган яна бир неча омиллар бор. Улар ичида энг муҳимлари, бу Ўзбекистонда автомобиль саноати ва таъминот тизимининг мавжудлиги, муҳандис кадрлар етиштириш тизими тўғри йўлга қўйилганидир.



## Хориждаги биринчи завод

Жиззах вилоятидаги “BYD Uzbekistan Factory” қўшма корхонаси “BYD” компаниясининг хориждаги электромобиллар ишлаб чиқариш бўйича илк кенг масштабли лойиҳаси ҳисобланади. Эътиборлиси, ушбу супер замонавий завод жуда қисқа фурсатда, атиги саккиз ойда ишга туширилди.

Бунинг учун қўшма корхона замонавий саноат инфратузилмаси билан таъминланди. Салкам 2 километр темир йўл тортилди. Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш учун бутловчи қисмлар омбори, 1200 та контейнер сиғимига эга логистика маркази қурилди.

— Биз юртингизда автомобилсозлик саноати жадал суръатларда ривожланаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди “BYD” компаниясининг Марказий Осиё давлатлари бўйича директори Иван Цао. — Бу ерда бутун ишлаб чиқариш занжири, етказиб бериш тизими, энг асосийси, ёш иқтидор эгалари бор. Ҳамкорликда юртингиз ва чет эллик мижозларга сўнгги русумдаги замонавий автомобиллар ва инновацион технологияларни тақдим этиш истагидамиз. Президент Шавкат Мирзиёев биз билан учрашувда асосий эътиборни таъминот занжирини яратиш, янги авлод электромобиллари учун тўлиқ маҳсулот етказиб бериш масалаларига қаратди. Ушбу йўналишда аниқ режа ва вазифалар белгилаб олинди. Демак, ҳамжиҳатликда улкан натижаларга, албатта, эришамиз.



*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

Таъкидлаш керакки, ушбу инновацион завод давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида Хитойга амалга оширган ташрифи чоғида фаолиятини бошлаган эди. Аниқроғи, ўшанда қиймати 160 миллион долларлик лойиҳанинг биринчи босқичига старт берилди. Орадан кўп ўтмай завод конвейеридан дастлабки машиналар чиқа бошлади.

Ҳозирда бу ерда “Chazor” ва “Song Plus Champion” моделлари ишлаб чиқарилмоқда.

Заводда ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Роботлаштирилган тизимлар ва ускуналар ёрдамида йилига 50 минг дона электромобиль йиғиш қуввати мавжуд.

“BYD Uzbekistan Factory” қўшма корхонаси бош директори Шафқатбек Алимовнинг айтишича, келгуси йилларда заводда моделлар қаторини кенгайтириш режалаштирилган. Жумладан, “BYD” брендининг “E2”, “Seagull” ва “Yuan” каби оммабоп моделларини ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Эътиборлиси, Ўзбекистон электромобилларининг нархи чет элдан олиб келинаётган турдош машиналарга нисбатан арзон бўлади. Улар нафақат ички бозорга, балки ташқи бозорларга ҳам чиқарилади. Томонларнинг келишувига кўра Ўзбекистондаги заводда тайёрланган моделлар экспорт қилинганида, ўша бозорларга Хитойда ишлаб чиқарилган электромобиллар олиб кирилмайди.

## Ишлаб чиқариш 500 минг донага етказилади

Бугунги кунда корхонада 1 минг 200 киши меҳнат қилмоқда. Аксарияти ёшлардан иборат жамоа аъзоларининг билим ва кўникмаларини оширишга устувор аҳамият берилияпти. Натижада ўтган йили 200 нафар ходим “Uzautomotors” заводларида малака ошириб қайтди. Бу йил эса яна 92 нафар мутахассис Хитойнинг Сиань ва Чанша шаҳарларида сифат назорати, технология, таъминот, ускуналарга техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда малака оширади.

Қўшма корхона лойиҳаси уч босқичдан иборат бўлиб, улар тўлиқ ишга туширилгач, иш ўринлари 10 мингтага етади. Бунинг учун иккинчи босқичда 300 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, электромобиллар ишлаб чиқариш қуввати йилига 200 минг донага чиқарилади. Охирги босқич доирасида эса яна 500 миллион долларлик сармоя киритилиб, йилига 500 минг дона замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришга эришилади.

Айтиш жоизки, ишлаб чиқариш ҳажми ортиши билан маҳаллийлаштириш даражаси ҳам босқичма-босқич ошириб борилади. Дастлаб бампер, ойна, лок-бўёқ, пластик қисмларни ўзимизда тайёрлаш ўзлаштирилади. Маҳаллийлаштиришнинг кейинги босқичида эса аккумулятор, электр двигатель, алюминий қисмлар, шиналар, ўриндиқлар тайёрланади. Бундан кўзланган пировард мақсад якуний маҳсулот таннархини туширишга қаратилгани диққатга сазовор.

“BYD” компанияси мамлакатимизда “яшил” транспортни ривожлантириш лойиҳасида ҳам иштирок этиши қўллаб-қувватланмоқда. Бу қўшма инновацион тадқиқот марказини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш, электр транспорти учун техник регламент ва стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда “Blade” авлодига мансуб батареялар ва “BYD” электробусларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари ҳамда ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ҳамда автомобилсозликда рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида кўрилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида халқаро брендлардаги замонавий автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Буларнинг бари Ўзбекистон автомобилсозлиги янги давр остонасига қадам қўяётганини кўрсатиб турибди. Бинобарин, ҳаётга татбиқ қилинаётган йирик лойиҳалар ривожланишда 10 йил олдинга ўтиб, тараққий этган давлатлар даражасига етиш, Марказий Осиёнинг автомобиль саноати марказига айланишига хизмат қилмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ**
**«Халқ сўзи».**

# БУЮК АЖДОДЛАР МЕРОСИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

*Буюк аждодларимиз томонидан яратилган маданий мерос намуналари инсоният тарихида ўчмас из қолдирган. Улардан бизгача етиб келган илмий, тарихий ва бадиий асарлар бугун дунёнинг турли нуқталарида, хориж тўпламлари, жамғармалари, кутубхона ва музейларида сақланмоқда.*

*Мамлакатимизда ана шу бебаҳо меросни ўрганиш юзасидан қатор вазирлик ва идоралар, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Марказ директори, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ билан суҳбатимиз ҳам айнан шу ҳақда бўлди.*

## Бизнинг суҳбат

***— Дастлаб шу йил 3-4 июль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган “Буюк аждодлар мероси — учинчи Ренессанс пойдевори” республика форуми якунлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.***

— Сўзимиз аввалида кейинги йилларда ана шундай улуғвор ва бой маданий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва уни оммалаштириш борасидаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2017 йил 23 июнь куни Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши бу масалада қўйилган энг улуғ қадамлардан бири эди. Давлатимиз раҳбари пойтахтимиздаги “Ҳазрати Имом” мажмуаси яқинида барпо этилаётган марказ қурилиши жараёнлари билан танишиш мақсадида бу ерга бир неча маротаба ташриф буюрди. Ўтган етти йил давомида айни масалага йўналтирилган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Тошкентда уюштирилган “Буюк аждодлар мероси — учинчи Ренессанс пойдевори” республика форуми ўтган вақт давомида қилинган ишлар билан бирга олдимизда турган вазифалар сарҳисобига бағишланди, дейиш мумкин.

Беш юзга яқин шарқшунос, тарихчи, қуръоншунос ва санъатшунос олимлар, тадқиқотчи ҳамда экспертларни қамраб олган форумда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг мақсад ва вазифалари, келгуси режалари, ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳалар муҳокама қилинди. Иштирокчилар икки кун давомида ўнта шуъбада ўз маъруза ва лойиҳаларини, таклиф ва мушоҳадаларини баён этишди.

Форумда ҳар бир лойиҳа бўйича фикр-мулоҳазалар тингланди. Билдирилган таклиф ва тавсиялар ташкилий қўмитага тақдим этилди. Анжуман натижалари бўйича декларация ва “Йўл харитаси”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентига илмий жамоатчиликнинг Мурожаатномаси қабул қилинди.

Мурожаатномада, жумладан, шундай дейилади: “Юртимиз тарихида биринчи марта амалга оширилаётган ноёб мегалойиҳа сифатида баҳоланаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш тўғрисидаги ташаббусингиз муқаддас динимизнинг тинчлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик ғояларини улуғлаш, халқимизнинг буюк тарихи, бой маданий-маърифий меросини тиклаш ва дунёга тарғиб этиш борасидаги доимий эътибор ва ғамхўрлигингизнинг юксак амалий намунаси сифатида, айниқса, таҳсинга сазовордир”.

Форумда олимлар марказнинг илмий-тарихий концепцияси ҳамда унинг таркибидаги музей экспозициясини шакллантиришга бағишланган 50 дан ортиқ маърузаларни тинглаб, 600 га яқин таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

***— Улар орасида энг қизиқарли, фойдали деб қайси таклиф ёки мулоҳазаларни айта оласиз?***

— Форумда бирон-бир таклиф эътиборсиз қолдирилмади, уларнинг ҳар бири бўйича ўнлаб экспертлар ўз хулосаларини билдирди. Масалан, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида инновацион музей ташкил қилиш таклифи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу ҳақда Президентимиз яқинда ўтказилган учрашувда алоҳида топшириқ берганди.

Тан олиш керак, қўлимизда Имом Бухорий даврига оид тарихий экспонатлар етарли эмас. Аммо бугунги инновациялар, ахборот технологиялари ёрдамида музейга ташриф буюрувчиларни Имом Бухорий яшаган давр ва муҳитга олиб кириш мумкин. Бу тажрибадан дунёнинг қатор музейлари фойдаланмоқда. Интернет, ижтимоий тармоқлар, мультимедиа маҳсулотлари даврида бундай услуб хорижлик меҳмонларни, ёш авлод вакилларини бефарқ қолдирмайди. Улар махсус “вақт капсуласи” ёрдамида бундан бир неча аср аввалги даврга саёҳат қилиш баробарида, ўша пайтда юз берган Ренессанс жараёнлари, буюк аждодларимиз амалга оширган ихтироларга визуал тарзда гувоҳ бўлади.

Бундан ташқари, Оқсарой, Шоҳи-Зинда, Регистон, Гўри Амир сингари тарихий мажмуаларимизда ҳам ана шундай аудиовизуал экспозициялар, 3D ўлчамидаги видеоконтентларни томошабинларга тақдим этиш бўйича ҳам таклифлар билдирилди. Моҳиятига кўра дунёда ягона бўлган “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” лойиҳасининг интерактив талқинини яратиш ҳам кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ташкил қилинадиган Қуръон зали бўйича ҳам турли таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Бу ерда ислом маданиятининг нодир намунаси — “Ҳазрати Усмон мусҳафи” билан бирга дунёдаги энг нодир Қуръон қўлёзмалари факсимиль нусхаларини жойлаштириш, залда Қуръони каримнинг мунтазам жонли ва аудио-қироатини ташкил этиш, Қуръони каримнинг нозил қилиниши, юртимиздаги нодир мусҳаф қўлёзмалари тарихи билан боғлиқ видеороликлар намойиши, болалар ва ёшлар учун алоҳида контентлар яратиш юзасидан билдирилган таклифлар ҳам қизғин қўллаб-қувватланди.

***— Бу масалада фақат маҳаллий олимларнинг таклифлари етарли деб ўйлайсизми ёки хорижлик мутахассислар ҳам жалб қилинадими?***

— Дарҳақиқат, маҳаллий ва чет эллик мутахассисларни жалб этган ҳолда илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш, мусулмон Ренессанси даврида илм-фан, маданият ва санъат, меъморлик ривожи тўғрисида кенг қамровли маълумотлар бериш, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни самарали йўлга қўйиш мақсадида UNESCO, ISESCO, IRCICA каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш марказ фаолиятида алоҳида ўрин тутади.

Айни пайтга қадар марказ томонидан хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан 40 дан зиёд ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Ўтган етти йил давомида марказ ташкилотчилиги ва ҳамкорлигида 150 дан ортиқ халқаро анжуман ҳамда учрашувлар ташкил қилиниб, 40 га яқин хорижий делегациялар ташриф буюрди.

Яқинда Бирлашган Араб Амирликларининг “Ҳидоя” экстремизмга қарши кураш маркази раиси, доктор Али Рошид ан-Нуаймий бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлди. Делегация вакиллари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида олиб борилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. “Ҳидоя” маркази раиси икки мамлакат ўртасида ислом маданий меросини чуқур ўрганиш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик ғояларини кенг миқёсда тарғиб этиш борасида ҳамкорликни кучайтириш бўйича ўз таклифларини билдирди.

30 июнь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Антониу Гутерриш мамлакатимизга ташрифи чоғида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Мамлакатимизда маданий меросни асраб-авайлаш ва тарғиб қилишга қаратилаётган эътиборга юқори баҳо берди. БМТ Бош котиби бугунги Ўзбекистон тараққиёти, унинг Марказий Осиё минтақасидаги бирлаштирувчилик роли ҳақида тўхталиб, Бутунжаҳон маданий меросини асраб-авайлашга қўшаётган ҳиссаси учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Дунёда исломофобиянинг турли кўринишлари авж олаётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари бошчилигида катта илмий-маърифий муассасанинг барпо этилиши, исломнинг асл мазмун-моҳиятини ифодалашга ҳаракат қилиниши жуда улуғ иш эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, ўтган бир ойга яқин вақт мобайнида марказимизга ТУРКСОЙ ташкилоти раиси Султон Раев, IRCICA ташкилотини 16 йил бошқарган профессор, доктор Холид Эрен, Франция Республикаси, Саудия Арабистони қироллигининг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари ташриф буюриб, марказ фаолиятини ривожлантириш бўйича қимматли таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Жорий йилнинг август ойида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтиши кўзда тутилган “Ўзбекистон маданий мероси — учинчи Ренессанс асоси” мавзуидаги халқаро конгресс ҳам айнан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг фаолиятини такомиллаштириш, фондини бойитиш, келгусидаги вазифаларни аниқ белгилаш, халқаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга бағишланади. Ушбу конгрессда дунёнинг қатор музей ва кутубхоналари, маданий-маърифий марказлари мутасаддилари, йирик олимлар ва мутахассислардан марказ фаолияти, музейларимиз фондини бойитиш, янги илмий йўналишлар бўйича фикрлар, таклифлар, мулоҳазалар олинади ва келгусида улардан самарали фойдаланилади.

**Рустам ЖАББОРОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

## Биз ва жаҳон

# ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕК МАДАНИЙ ҲАМЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

*Германиянинг Мюнхен шаҳрида ватандошимиз Моҳидилхон Жўрабоева томонидан ташкил этилган “Karavan e.V” ҳамжамиятининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

*Тадбирда Германиядаги фаол ҳамюртларимиз, талабалар, шунингдек, Мюнхендаги миграция жамияти аъзолари иштирок этди.*

Ўзбекистон Бош консулхонаси дипломатлари маданий ҳамжамиятнинг очилиши, шубҳасиз, юртдошларимиз ва уларнинг оилалари манфаати учун хизмат қилишини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожланишига ҳисса қўшмоқчи бўлган ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, юртимизнинг маданий, илмий ва маънавий меросини хорижда оммалаштириш давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган устувор вазифалардан бири эканлиги тадбирда сўзга чиққанлар томонидан алоҳида қайд этилди.

“Karavan e.V” ҳамжамияти асосчиси Моҳидилхон Жўрабоева маросимда сўзга чиқиб, Ўзбекистон Бош консулхонасига янги ташкилотнинг ижодий лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашгани учун миннатдорлик билдирди. У, шунингдек, иштирокчиларни ҳамжамият режалари билан таништирди ва жамиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда Германияда ўзбек халқининг қадриятларини оммалаштиришга ҳисса қўшишга чақирди. Унинг таъкидлашича, жамиятда болалар учун “она тили ва одоб-ахлоқ дарси”, “соғлом танда — соғлом ақл”, “моҳир ошпаз” ва бошқа мавзуларда долзарб семинарлар, маҳорат дарслари ўтказилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг маданий ва гастрономик хилмахиллигини намойиш этувчи миллий бурчак, концерт дастури, анъанавий ўйинлар, шунингдек, болалар қўғирчоқ театри спектакли намойиш қилинди.

“Karavan e.V” немис-ўзбек маданий ҳамжамияти миллий ғоя ва анъанавий қадриятларни қўллаб-қувватлашга, айни чоғда Германиядаги ватандошларимиз ўртасида ўзбек тили ва маданиятини сақлашга кўмаклашувчи лойиҳа ҳисобланади. Жамият шу йил май ойида Ўзбекистоннинг Франкфуртдаги Бош консулхонаси кўмагида ташкил этилган.

**«Дунё» АА.**
Мюнхен

**Россиянинг Красноярск шаҳрида «Қовун сайли» фестивали бўлиб ўтди.**

# CIMPA дунё математикларини Хоразмда жамлади

*Бугунги кунда ҳар бир соҳада ижобий ўзгаришлар кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда уларнинг чуқур билимга эга бўлиши ва танлаган соҳаларида етук кадрлар бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани кишини хурсанд қилади.*

*Шу мақсадда мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, илм-фанни ривожлантириш бўйича қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, математика соҳасига эътибор ҳар қачонгидан кучли. Қисқа даврда юртимизда математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ишлар йўлга қўйилди.*



## Фан ва тараққиёт

Аввало, илғор хорижий илмий марказларда фаолият юритаётган ватандош математик олимлар таклиф қилиниб, халқаро илмий тадқиқотлар олиб борилиши учун зарур шароитлар яратилди. Халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ёшларимиз ва уларнинг мураббий устозлари меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилди. Математика соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми бир ярим баробар оширилди. Илмий даражали кадрлар тайёрлашнинг бирламчи босқичи сифатида стажёр-тадқиқотлик институти жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги давлат университетлари қошида мамлакатимиз Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институтининг ҳудудий бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, илм-фан соҳасидаги устувор муаммоларни тезкор бартараф этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш масалаларини ҳукумат даражасида кўриб чиқиш мақсадида Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Ҳудудларда математика ва информатикага ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатлар иш бошлади. Хусусан, 2021 йилда Урганч давлат университети ҳузурида ҳам физика-математика ва информатика фанларига ихтисослаштирилган мактаб фаолияти йўлга қўйилди. Бу масканда ҳудудларнинг умумий таълим тизимидан саралаб олинган иқтидорли ўқувчиларга VII-XI синфлар ҳажмида кучайтирилган дастурлар асосида чуқур билим берилади.

Бугунги кунда Президентимиз томонидан муҳандислик соҳаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада қатор вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, университетлар қошида ёш муҳандисларни тайёрлаш учун Илғор муҳандислик мактабларини ташкил этиш топширилди. Янги Ўзбекистонни қуришга муҳандис кадрлар кераклиги, кучли муҳандис бўлиш учун эса, албатта, математикани пухта ўрганиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари **"Иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш учун бизга юқори малакали муҳандис-технологлар сув билан ҳаводек зарур"** дегани бежиз эмас. Иқтисодиётимиз ва саноатимизни жадал ривожлантириш, биринчи навбатда, муҳандис кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Етук муҳандис-технолог бўлиш учун эса математикани пухта ўрганиш талаб этилади.

Айни пайтда юртимиздаги барча олий таълим муассасасида турли нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун кенг имониятлар яратилмоқда. Урганч давлат университети ҳам ушбу шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда хорижий олий ўқув юртлари билан алоқаларини тобора ривожлантириб бормоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган 36 та давлатидаги олий таълим муассасалари билан 170 дан ортиқ ҳамкорлик меморандумлари имзоланган. Шунингдек, Эрасмус+ дастури доирасида ҳам жаҳоннинг 10 дан ортиқ нуфузли университетлари билан манфаатли лойиҳалар йўлга қўйилган. Айниқса, университетда физика, математика бўйича бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказилаётган, дунё математик олимларини қамраб олган халқаро даражадаги конференция, анжуман ва турли тадбирлар университетимиз нуфузини дунё бўйлаб оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда.



Ана шундай нуфузли халқаро мақомга эга тадбирлардан бири CIMPA ёзги мактабидир. Ушбу халқаро семинарга университетимиз жорий йил 24 июнь — 5 июль кунлари учинчи марта мезбонлик қилди.

CIMPA school — Халқаро фундаментал ва татбиқий математика маркази (Centre International de Mathèmatiques Pures et Appliquйes) Франция ташкилоти бўлиб, асосий мақсади дунёда математикани ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. У ҳар йили дунё бўйлаб 20 тача халқаро математика мактабларини ташкил этади ва молиялаштиради. Урганч давлат университети ушбу марказ билан 2021 йилдан буён ҳамкорлик қилади. Бу йил ҳам икки ҳафталик CIMPA ёзги мактаби дунёнинг ўндан ортиқ давлатларидан таниқли математик олимлар ва илмий изланувчиларни Ал-Хоразмий ватанида жам қилди. АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россиядан 10 нафар етук математик олим Қозоғистон, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Нидерландия, Филиппин, АҚШдан ташриф буюрган, шунингдек, юртимизнинг Қорақалпоқ давлат университети, Қарши давлат университети ҳамда Урганч давлат университетидан иштирок этаётган жами 60 нафардан ортиқ талабаларга маъруза ўқиб, амалий машғулотлар олиб борди.

Мазкур халқаро мактаб мана уч йилдирки, ўз фаолиятини кўрсатиб келмоқда. Бу йилги семинарларда асосий маърузачилар сифатида математиканинг сонлар назарияси соҳаси етук намояндалари бўлган, бутун дунё бўйича таниқли олимлар, хусусан, Франциянинг Невшатель университети профессори Элиса Лоренсо Гарсиа, Сорбонна университети профессори Мишель Вальдшмидт, Италиянинг Рома университети профессорлари — Франческо Паппаларди, Лаура Геатти, Американинг Клермонт Мак-Кенна коллежи профессори Ленни Фукшанский ҳамда CIMPA ташкилоти директори Кристоф Ритценталер сингари олимлар илмий фаолиятига йўналтирилган, илғор чуқурлаштирилган ўқув машғулотларини олиб борди. Бу ёзги мактабнинг мақсади — ёшларни, айниқса, математика бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчиларни жаҳон миқёсида амалга оширилаётган тадқиқотларга интеграция қилиш, фаннинг дунё янгиликларидан хабардор этиш ҳисобланади.

Лойиҳанинг муҳим жиҳати шундан иборатки, у нафақат илмий тадқиқотларни кенгайтиришга, Ўзбекистонда математиканинг замонавий йўналишларини ривожлантиришга олиб келади, балки лойиҳа иштирокчилари бизнинг бой тарихимиз ва маданиятимизни ҳам кўриб, уни яқиндан ўрганади. Бу эса вилоятимизнинг туризм салоҳиятини янада оширишга замин яратади. Қолаверса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 29 март куни мамлакатимиз туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ишларни жадаллаштириш бўйича республикамизнинг 11 олий таълим муассасаси ректорларига масъул этиб белгиланган туристик объектларга сайёҳлар оқимини кучайтириш борасида берган топшириқларининг ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Фикримиз далили сифатида қайд этиш жоизки, ёзги мактаб дастурида нафақат маъруза ва амалий машғулотларга кенг ўрин берилди, балки маданий дастурлар ҳам қамраб олинди. Жумладан, ёзги мактаб иштирокчилари 2024 йилда "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" дея эътироф этилган ва бутун дунё сайёҳларини ўзига ром қилаётган Хива шаҳри, шунингдек, Хива тумани, "Ичан қалъа" мажмуаси ҳамда Боғот туманининг "Қалажиқ қалъа" ёдгорлиги бўйлаб саёҳат қилинди.

Меҳмонлар "Ичан қалъа" меъморий мажмуасидаги зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар, тарихий обидалар, ёдгорлик ва музейлар, янги барпо этилган объектлар бўйлаб саёҳат қилди ва бой тарихимиз ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўлди. Кўҳна Хоразмнинг ўзига хос осориатиқалари, миллий маданиятимиз ва урф-одатларимизни акс эттирувчи буюмлар меҳмонлар эътиборини жалб қилди. Улар тарихий, меъморий обидаларни томоша қилиш асносида аждодларимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятини эътироф этишди.

Франциянинг Невшатель университети профессори Элиса Лоренсо Гарсиа ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, жумладан, шундай дейди: ***"Асли испанияликман, Франциядаги университетда ишлайман. Мен математикман, турли хил тадқиқотлар қиламан. Ушбу тадқиқот мактабига, CIMPAга бажонидил келдим. Бу ерда биз маҳаллий ва халқаро талабалар билан ўзаро алоқа ўрнатдик. Дам олиш кунлари гўзал мамлакатингиздан завқланиш учун Хивага ташриф буюрдик. Бу ерлар жуда гўзал ва мафтункор. Айтиш жоизки, биз тадқиқот ва математика мактабига келишдан олдин бир ҳафта сайёҳ сифатида Ўзбекистонни кездик. Турли шаҳарларда бўлдик — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус ва Орол денгизини кўрдик. Шуни айтишим керакки, юртингизда ҳамма нарса гўзал, халқингиз жуда меҳмондўст — бизни жуда яхши кутиб олишди ва албатта, Испанияга қайтганимда мен барчага Ўзбекистонга келишни тавсия қиламан".***

Ҳиндистонлик талаба Тапаснинг фикрлари шундай:

***"Менга Ўзбекистон жуда ёқди. Бу ер жуда чиройли диёр, айниқса, Ичан қалъа жуда ажойиб жой экан. CIMPA мактаби дунёдаги энг зўр мактаблардан бири ҳисобланади ва бу мактаб ўз фаолиятини узоқ йиллардан буён юритиб келмоқда. Бу мактаб дунёнинг турли бурчакларида математика ва илм-фанни тарғиб қилади. Мен CIMPA мактаби ҳақида жуда кўплаб дўстларимдан эшитган эдим ва бу мактаб ҳақиқатдан ҳам фойдали экан. Ўз юртимга қайтганимдан сўнг Ҳиндистонда ҳам шундай мактабларни ташкиллаштирмоқчиман. CIMPA мактабида биринчи бор иштирок этишим ва бу ердан олган таассуротларим тенгсиз. Сизнинг қадим маданиятингизни Ҳиндистон маданияти билан боғлаб ўрганишим мумкин, чунки бизнинг маданиятимиз ҳам жуда қадимий. Бу заминнинг инсонлари ниҳоятда кўркам ва меҳрибон. Миллий таомларингиз ҳам жуда мазали ва такрорланмас таъмга эга. Мен бу ердаги ўтказган вақтимдан беғоят хурсандман ва у унутилмас воқеаларга бой бўлди".***

Тарихий масканларимизда бўлган меҳмонларнинг ҳайрати чексиз. Улар шаҳарнинг қўли гул уста-ҳунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотларга ҳам катта қизиқиш билдиришди. Чет эллик математикларга унутилмас ва бетакрор онларни туҳфа этган, уларнинг Ўзбекистон тарихи билан яқиндан танишишига, Хоразмий, Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Замахшарий, Мунис, Огаҳий, Аваз Ўтар сингари воҳамиздан етишиб чиққан буюк аждодларимиз ҳақидаги қимматли маълумотларга эга бўлишига хизмат қилган азим Хива бўйлаб саёҳат барчага бирдек манзур бўлди, деб айта оламиз.

Умуман олганда, халқаро мактаб иштирокчиларининг Хоразмга ташрифи улар хотирасида ҳали кўп йиллар яшайди. Айниқса, математиканинг бугунги кундаги янгиликларини Хоразмий ватанида ўрганганликлари, олинган таассуротлар уларни яна тарихий масканга чорлаб тураверади. Ушбу халқаро математиклар мактаби ёшларнинг илмий салоҳиятини янада оширишга, олинган янги билим ва тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш орқали Ўзбекистонда математика соҳаси равнақи учун муносиб ҳисса қўшиш билан биргаликда туризм соҳаси яна бир поғона кўтарилишига, буюк ва бой тарихимизни, маданиятимизни дунё ҳамжамиятига танитишга йўл очади. Келажак авлод илмий потенциалини рўёбга чиқаришда ўз самарасини берибгина қолмай, ёшларимизнинг илмий салоҳиятини жаҳон миқёсида намоён қилишда ва математика соҳасининг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Қолаверса, бу каби халқаро конференция ва семинарлар, ёзги мактаблар олийгоҳимизнинг жаҳон стандартлари, илм-фани сари илдам бораётганининг яна бир ёрқин исботи бўлибгина қолмай туризм ва таълим ўртасидаги кўприкни мустаҳкамлаш, истиқболли режаларни амалга ошириш учун майдон бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда олий таълим тизимига қаратилган эътибор ва яратилаётган кенг имконият ҳамда шароитлар самарасидир.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Урганч давлат университети ректори, профессор.**

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

# ТАФСИЛОТЛАР

## Билим ва иқтидор синови



*Мамлакатимизнинг барча ҳудудида 14 июлдан олий ва профессионал таълим муассасаларига тест синовлари бошланди.*

Ўзбекистон бўйлаб имтиҳонларни ўтказиш ва ташкил этиш учун 73 та бино ажратилган. Уларда 70 минг 80 абитуриент ҳар куни тест синовларидан ўтади.

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги имтиҳонларга кечикмасликни, яширин қурилма-гаджетлардан фойдаланмасликни қатъий тайинламоқда.

## Тошкентда Туркманистоннинг маданий ва иқтисодий салоҳияти кўргазмаси



*Тошкент шаҳрида «Made in Turkmenistan» туркман миллий маҳсулотлари кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Жамшид Хўжаев ва Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Ботир Атдаев иштирок этди.

Кўргазма Туркманистоннинг маданий ва иқтисодий салоҳияти билан танишиш учун ноёб имкониятни тақдим қилади.

## Триатлончиларимиз Осиёда кучлилар сафида

*Малайзиянинг Кампар шаҳрида триатлон бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида юртимиз спортчилари 2 та медалга сазовор бўлди.*

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Диана Бектемирова ўсмирлар тоифасидаги мусобақалар якунига кўра, бронза медалига эга чиққан бўлса, ўсмирлар тоифасининг аралаш эстафета мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Диана Бектемирова, Даяна Лукиенко, Егор Егоров, Муҳаммадюсуф Абдухалиловдан иборат тўртлик ҳам қитъа кубогининг бронза медалларини қўлга киритди.

## Янги замонавий боғча болажонлар ихтиёрида

*Самарқанд шаҳрининг "Шодиёна" МФЙда янги замонавий давлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Ушбу 300 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим масканини бунёд этишга давлат томонидан 13 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.*

Янги бинода болалар ва тарбиячилар учун барча шароит яратилган. Жумладан, бинода машғулот хонаси ва ётоқхона, мудира хонаси, ҳамшира хонаси, ошхона, мусиқа зали мавжуд. Шунингдек, МТТда ёзги айвонча, болалар ўйин майдончаси ҳамда болалар учун чўмилиш ҳавзаси қурилган.

**«Халқ сўзи».**

**«Париж — 2024» ёзги Олимпия ўйинларининг бокс бўйича баҳсларида ўзбекистонлик рефери Алишер Полвонов фаолият олиб боради.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.26 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6